

**АСКИЯ** — (арабча — акл, зехн) ўзбек халк оғзаки ижоди жанри. Икки ёки ундан ортик кишиларнинг халк йигинларида муайян мавзу бўйича бадиий сўзда тортишуви. Тарафлар баъзан даврада, баъзан сахнада ёнма-ён ёки карама-карши туришиб, ракиб томондан берилган саволга тез, лўнда, кулгили, латиф, аксарият холда карши томонни «чув туширувчи», мот килувчи жавоб беришга харакат киладилар. Жавоб беришда кайси тараф мавзу доирасидан четга чикса, сўз танлашда хатога йўл кўйса ёки зарур ибора, сўз излаб тўхтаб колса, ўша томон ют-казган саналади. Томошабинлар ўз кулгиси ва эҳтиросли кийкириклари билан тарафларнинг жавобларига баҳо бериб боришади; мазмундор, серкочирим асқиялардан завкланишади, мазмунан саёз, кўпол асқиядан ранжишади. Асқиянинг таъсирли, серзавк ва кулгили чикишида асқиябозларнинг хозиржавоблик, бадихагўйлик, мавзуга алокадор чукур билимга эга бўлиш, юз, кўз, тана харакатларидан, товуш имкониятларидан фойдалана билиш кобилиятлари хам муайян вазифа бажаради. Асқиянинг пайров, кофия, радиф, ўхшатдим, бўласизми, «Гулмисиз,райхонмисиз, жамбилмисиз», ширинкорлик, афсона, лакаб каби турлари мавжуд.